



2. Рим билан жанг килиш ва Константинополнинг фатх этилиши хусусидаги хадислар:

Абу Хурайра розияллоху анхудан: Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рум билан жарликка кулаб ёки бир елимдан иборат бўлган копконга тушиб қолиб, унга карши Мадинадан ер ахлининг ўша кундаги сара кишиларидан тузилган бир кўшин чикмагунича Киёмат койим бўлмас. Кўшин саф тортгач, румликлар биз ўзимиздан асир тушганлар билан уришамиз, сизлар аралашманглар, дерлар. Шунда мусулмонлар, қандай қилиб биз ўз биродарларимизни сизларга рўбарў қилиб қўйиб, ўзимиз аралашмай турамиз, Аллохга касамки, асло бундай қилмасмиз, деб айтурлар. Кўшиннинг учдан бири чекинур. Аллох уларни кечирмас. Учдан бири халок бўлур. Улар Аллохнинг наздида энг афзал шахидлардир. Учдан бири голиб бўлур. Улар ҳеч қачон фитналанмаслар. Константинополни фатх этиб, қиличларини зайтунга илиб қўйиб, ўлжаларни таксимлаб турганларида шайтон уларга, «Масихи Дажжол чикди, у ҳозир ортингларда, ахлу аёлларинг олдида» деб қичкирур. Тез бориб қарарлар, хабар ёлгон бўлур. Шомга келганларида Дажжол чиқур. Улар жангга тайёрланиб, сафларини текислаб турганларида намозга такбир айтилиб қолур. Шунда Ийсо ибн Марям тушиб, уларга имомлик қилурлар. У кишини қўрган Аллохнинг душмани-дажжол туз сувда эригани каби эриб кетур. Агар тек қўйилса, эриб-эриб халок бўлур. Лекин Аллох Дажжолни Ийсонинг қўли билан ўлдирур. У киши қўшинга найзасидаги душман-дажжол-нинг қонини қўрсатурлар».

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг қуйидаги хадислари ҳам Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган: «Бир тарафи денгизда, яна бир тарафи эса қуруқликда жойлашган шаҳарни эшитганмисизлар?»- деб сўрадилар Пайгамбар соллаллоху алайхи ва



Ислом Нури

саллам. Саҳобалар: Ҳа, Ё Расулуллоҳ, деб жавоб бердилар. У киши дедилар: «Бану Исҳоқдан етмиш минг киши унга қарши газот қилмағунига қадар Қиёмат қойим бўлмас. Қўшин унинг ёнига қелиб жойлашур. Биронта қурол ишлатилмас, ўқ ҳам отмас. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Аллоҳ буюқдир, дер. Шунда шаҳарнинг бир тарафи қулаб тушар. Кейин иккинчи марта Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Аллоҳ буюқдир, дер. Шунда шаҳарнинг иккинчи тарафи ҳам қулаб тушар. Кейин учинчи марта Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Аллоҳ буюқдир, дер. Шунда шаҳар очилиб, қўшин унга қирур. ўлжаларни тақсимлаб турганида, Дажжол қикди, деган овоз қелур. Шунда ҳамма нарсани ташлаб, изига қайтур».

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Амр Ос розияллоху анхудан ривоят қилади: У киши дейдилар: «Биз Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг ёнларида ёзиб турган эдик. У кишига аввал Константинопол фатх этилури ёки Рум, деган савол берилди. Шунда Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам «Аввал Хирақлнинг шаҳри фатх этилури», дедилар, яъни Константинопол (Бу Истанбулнинг эски номидир. Таҳр).

3. Маҳдий хусусидаги ҳадислар:

Маҳдий бир солих халифадирки, Аллоҳ таоло унинг воситасида одамларни жабру зулмдан қутқариб, адолатга олиб чиқади. У хусусда ворид бўлган ҳадисларнинг мутавотирлигига бир гуруҳ муҳаддислар, жумладан, Ҳаттобий, Ибн Хиббон, Уқайлий, Қозий Йёз, Ибн Таймийя, Ибнул Қаййим, Заҳабий, ал Ҳофиз, Абул Ҳасан ал-Абрий, Барзанжий, Саффориний, Шавқоний, Сиддик Ҳасанхон, Қаттоний ва бошқалар далил қелтирганлар. Айрим имомлар ва олимлар эса ўндан ортиқ махсус рисоалар битиб, уни муфрадлар қаторига қўшганлар.



Ислом Нури

Масалан Ибн Масъуд разияллоху анхунинг хадиси: Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Гарчи дунёнинг бир кунигина колган бўлса ҳам, Аллох ўша кунни узайтириб, мендан бўлган бир кишини юборурки, у ер юзини аввал жабру зулмга кандай тўлган бўлса, адлу инсофга шундай тўлдирур».**

Абу Саид ал-Худрийдан ривоят килинишича, Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам шундай деган эканлар: **«Кенг-очик пешонали, киргий бурун Махдий менадир. У жабру зулмга тўлган ерни адлу инсофга тўлдириб, етти йил хукмронлик килур».** (Абу Довуд ривояти)

Учинчи ва БОШКА БАШОРАТЛАР

Бу башоратларни диннинг мохиятидан, Аллох таоло инсонларга ато этган табиатдан ва У зотнинг ўзгармас конунидан билиб оламиз. Ундан айримларини келтириб ўтамиз.

1. Инсон табиатининг талабларига жавоб бера оладиган одамларни хар иккала дунёда бахт-саодатга эриштира оладиган ягона дин, бу – Ислом динидир. Чунки ундан ўзга самовий динлар асл холини аниклаб бўлмайдиган даражада ўзгариб, ўчиб кетган. Инсоний тузумлар эса инсон тарафидан тузилган ва шунинг ўзи уларнинг ноқислигига етарли далил.

Саййид Кутб роҳимхуллох айтади: **«Ислом чизиб берган йўлнинг мохияти ва одамларнинг унга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳеч иккиланмай аниқ айта оламизки, келажак шу динникидир, ер юзида у адо этиши керак бўлган вазифа турибди ва душманлари инон-ихтиёридан катъий назар у ана шу вазифани адо этишга киришади».**



Ислом Нури

«Биз мана шу эътибор билан уни башарий хаётнинг барча жабхаларини тартибга солувчи, одамлардаги хакикий эхтиёжларнинг хаммасига жавоб берувчи, инсон фаолиятининг хамма тарафларини назорат киладиган асосларни ўз ичига олувчи хаёт йўли, деган эътибор билан келажак шу динникидир, деб эътикод киламиз».

2. Бугун олам инсониятни хонавайрон килган, ундаги барча эзгуликларни куришиб юборган башарий тузумларнинг кашшоклигидан нолиб, азоб-укубатда кун кечирмокда. Бунда коммунистик тузумнинг инкирозга учраб, «кайта куриш»га ўтганининг ўзи яккол далилдир. (Муаллиф бу сўзларни ёзган пайтда совет иттифоки парчаланмаган эди. Тахр) Бугун олам ўз халоскорини кутмокда. Унинг учун Исломдан ўзга халоскор йўқдир.

3. Аллох таоло Ўзининг махлуқотлари борасида шундай конунни чиқариб кўйган. Яъни кимки бор куч-гайрати билан ўз мақсади сари интилса, уни тўхтатиб колувчи айрим тўсиқлар бўлмаса, мақсадга етиши муқаррар. Ходисаларнинг этагида колиб кетган миллатларнинг уйғониб, хозирда юкори мавкеларни эгаллаб туришлари бунинг далилидир. Мусулмонлар хам ўзаро моддий ва маънавий жихатдан бирлашиб, келишиб, йўлларидаги говларни бартараф этиб, ўз мақсадлари сари интилсалар, бу конуннинг улар учун хам ижро этилиши табиийдир. Шу билан бирга улар Аллох таолонинг мададию тавфикига хам мушаррафдирлар. Зеро, улар Аллохнинг динини кўтариб чикувчилар ва Унинг шариатини химоя килувчилардир.

4. Бугун биз Исломий оламнинг хамма тарафида муборак Исломий уйғонишни, одамларнинг чин дилдан Аллох таолонинг динига кайтаётганларини кўрмокдамиз. Аллох таолога шукрки, бу ишлар



Ислом Нури

кундан-кунга авж олиб бормокда. Демак, мусулмонлар ўз динини махкам ушлаш, ўз миллатини қайта тиклаш учун сидкидилдан, астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Гайридинларнинг ҳам Исломга қираётганларига нима дейсиз?! Бирок, қилинаётган бу ҳаракатлар умматнинг токати ва қилиниши керак бўлган ҳаракатга нисбатан анча кам.

Бинобарин ҳеч иккиланмасдан, келажак шу динникидир, азизлик Аллоҳ таолонинг дўстлариникидир, дея оламиз. Ахир Аллоҳ таоло: «Ва иймон келтирган зотларни голиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган», демаганми? У зот берган ваъдасига ҳилоф қилмайдиган Зотдир.

Аммо бир савол тугилади. Бу иш қачон рўй беради? Бугунми, эртагами ёки бир неча йиллардан кейинми?

Устоз Муҳаммад Кутб айтадилар: *«Ўша кунда одамлар динга – Исломга қайтадилар. Бу нарса инсоннинг иродасидан ҳам каттарок қувватдир. Чунки у Аллоҳ таоло томонидан инсоннинг табиатига жойлаштириб, дилларда ўз-ўзидан ишлайверадиган қилиб қўйган қонунига асослангандир. У кун келганда эътиқодлар бир авлоднинг ёки бир неча авлоднинг умри, деган гаплар ҳеч қандай маъно қасб этмай қолади. Бу ишнинг қачон рўй бериши муҳим эмас. Муҳими унинг рўй бериши муқаррарлигидир. Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан башарият пешонасига фанога юзланиш тақдир битилмасидан аввал бу иш рўй беражак. Ана шунда – қелиши муқаррар бўлган ўша кун келганда қуфр билан Ислом орасидаги жарлик устига қўприк қуриш йўлида мусулмонларнинг бир неча авлоди тортган азоб-уқубатлари-ю берган қурбонлари арзимас бир нарса бўлиб қолади. Зеро, қурбонларнинг осмонда ҳам ерда ҳам, бекор қетмаслиги*



Ислом Нури

кафолатланган».

Аmmo галаба азизлик сари интилмасдан, хеч кандай харакат килмасдан кўл ковуштириб ўтирган мусулмонларга худди ёмгир ёккандек осмондан ўз-ўзидан тушиб колмайди. Куръони Каримдаги мана бу оятларга диккат килайлик: **«Хар качон ўша пайгамбарлар ноумид бўлиб: «Бизлар ёлгончи килиндик - пайгамбар эканимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз-галабамиз келар эди...».**

Аллохнинг борлик хусусидаги конуни ўзгармасдир. Динимиз тарафдорларининг бебошлиги-ю, тумтаракайлигига карамасдан, Аллох таоло дунёсини бериб, Охиратини сотиб олган фидойи шахидлар кони билан хидоят машъалларининг порлаб туриши асосига динимиз барпо бўлмогини ирода этди ва шу хусусида хукм чикариб кўйди:

«Ёки (Эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли - ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, хатто Пайгамбар ва иймонли кишилар: «Ахир качон Аллохнинг ёрдами келади?», дейишган эди. (Шунда уларга бундай жавоб бўлган эди:) «Огоҳ бўлингизким, Аллохнинг ёрдами якиндир». (Бакара: 214)

«(Эй мўминлар), ёки Аллох сизларнинг ичингиздан ким (Хак Йўлда) курашган-у, ким сабр-токат килганини мутлако билмай туриб жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?!». (Оли Имрон 142)

Хаббоб розияллоху анху ривоят килади: Пайгамбар соллаллоху алайхи



Ислом Нури

ва салламнинг олдиларига бордим. У киши яктаklarини ёстик килиб олиб, Каъбанинг соясида ётган эканлар. Биз мушриклар дастидан анча кийин ахволда колган эдик. Шунда мен: «Эй Аллохнинг пайгамбари, бизнинг хаккимизга Аллохга бир дуо килмайсизми?», дедим. Набий саллаллоху алайхи ва саллам юзлари кизариб, ўринларидан туриб ўтирдилар ва шундай дедилар: **«Сизлардан аввалгилар гўшт ёки пайларидан то суякларига кадар темир тарок билан таралардилар ва бу кийнок уларни динидан кайтармас эди. Бошларининг ўртасидан арра кўйиб, иккига бўлиб ташлашарди. Шак-шубхасиз Аллох бу ишни охирига етказгай. Хатто отлик Санъодан Хазрамавтга кадар факат Аллохдангина кўркан холда ёки кўйларига бўридан кўркиб юриб боргай».** (Бухорий ривояти)

Бунга мисол Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг сийратларидир. Ахир у киши озмунча азобларга йўликдиларми?! Тоифгача пиёда бориб, гам-гуссага тўлиб кайтмадиларми?! Ўзлари Макканинг энг улугларидан бўла туриб, у ерга кимнингдир химояси остида кирмадиларми?! Ростгўй, халол одам бўлишларига карамасдан, у кишига энг хунук лакаблар кўйилмадими?! Бутун кавм у кишига карши тил бириктириб, хужум килганларида диёрларидан чикиб, уч кунлаб горда беркиниб ётишга мажбур бўлмадиларми?! Мадинада эса кофирлар, мунофиклар ва яхудийлар тарафидан озмунча балоларга йўликдиларми?!

Шунингдек, у кишининг сахобалари хам турли азоб-укубатларга гирифтор бўлдилар. Шунга карамасдан, Ислом рўёбга чикди, галабага эришди, Аллохнинг калимаси олий бўлди ва берган ваъдаси амалга ошди.



Ислом Нури

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг даъватни ёйиш йўлида чеккан азоб-укубатлари-ю килган меҳнатларини англаган мусулмон бу борада жидду жаҳд зарурлигини англайди. Модомики, биз намунаи Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламдан олар эканмиз, демак эзгулик ва даъватни ёйиш йўлида молу жонимизни сарфламоғимиз, канчалар кимматга тушмасин, жамиятни саклаб қолиш ва ундаги ношаръий ишларни ўнглаш йўлида жонбозлик кўрсатишимиз лозим. Инсон ҳар канча меҳнат килмасин, барибир унинг меҳнати пайгамбарлар, хусусан, Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам килган меҳнат каршисида ҳечдир. Сиз пайгамбар бўлмаган мана бу одамнинг химматига боқинг:

«(Шу пайт) бир киши шаҳарнинг бир чеккасидан шошганича келиб деди: «Эй кавмим, бу элчиларга эргашинглар!». (Ёсин: 20)

Ҳақиқатни айтиш учун шаҳарнинг бир чеккасидан отлик эмас, пиёда келди. У хатто ўлимидан кейин ҳам даъватни ўз бўйнига олаётир:

«(... унга) «Жаннатга кир», дейилди. (Аллохнинг амри билан жаннатга киритилиб, у жойдаги ноз-неъмат ва иззат-икромни кўргач), у айтди: «Кани энди кавмим ҳам мени Парвардигорим магфират килганини ва мени азиз-мукаррам кишилардан килганини билсалар эди». (Ёсин: 26,27)

Сўрашингиз мумкин: Нега Аллох Ўзининг бандаларини синайди, уларни кийнайди? Нега даъват йўлини тиконли ва огир килиб қўйган? Ўзи ҳамма меҳрибонлардан ҳам меҳрибонроқ ва ҳар ишга кодир бўла туриб, нега шундай килган?

Жавоб қуйидагича: Аввало Аллох таоло килаётган ишларидан бизга



Ислом Нури

хисоб бермайди, колаверса, бу ишнинг ўзи Аллохнинг раҳмати, хикмати ва билимдонлигидан далолат бериб турибди.

Бу хусуда Аллохнинг китобида бир канча ишоралар ворид бўлган. Куйида уларнинг айримларини кискача келтириб ўтамиз.

1. Садокатли бандаларни бошқалардан ажратиб олиш

«(Эй мўминлар), ёки Аллох сизларнинг ичингиздан ким (Хак Йўлда) курашган-у, ким сабр-токат қилганини мутлако билмай туриб жаннатга қирамиз, деб ўйладингизми?!». (Оли Имрон 142)

«Аллох мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни ким мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) ташлаб кўювчи эмас. Хали У (Ухудда мунофиқларни мўминлардан ажратгани каби) нопокни покдан ажратади ...». (Оли Имрон 179)

Энг юксак хикмат мана шу. Зеро, агар даъват йўли енгил, осон бўлганида, унга ҳар қандай кўнимсиз, субутсиз кимсалар ҳам кириб олган бўлар эди. Бас, дангасалар-у химматсиз кимсалар билиб олсинларким, бу сафда уларга ўрин йўқ. Хозирок чиқиб кетсинлар. Йўкса, бўлажак ходисалар сафимизни улардан тозалашга кафилдир.

2. Шахидларни саралаб олиш

«Агар (бугун Ухудда) сизларга жароҳат етган бўлса, (Бадр жангида) у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. (Токи ибрат бўлсин деб) ва Аллох хақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингиздан шахидларни саралаб олиш учун бу кунларни (яъни галаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз. Аллох золим кишиларни



Ислом Нури

севмайди». (Оли Имрон 140)

«... Агар Аллох хохласа, улардан (жанг-жадалсиз хам) Голиб бўлур (яъни, уларни йўқ қилиб юборур) эди, лекин, У Зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтихон қилиш учун (сизларни жангга буюрди). Аллох Йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини харгиз зое кетказмас». (Мухаммад: 4)

3. Бу иш жаннатга киришнинг бир сабабидир

«Албатта, Аллох мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди - улар Аллох Йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари хам Аллох учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар. (Бундай мўминларга жаннат берилишига) Аллох Таврот, Инжил ва Куръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир...». (Тавба: 111)

«Ёки (Эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли - ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, хатто Пайгамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Аллохнинг ёрдами келади?», дейишган эди. (Шунда уларга бундай жавоб бўлган эди:) «Огоҳ бўлингизким, Аллохнинг ёрдами яқиндир». (Бақара: 214)

4. Аллох тарафидан ажру савобга эга бўлиш

«Мадина ахолиси ва уларнинг атрофидаги аъробийлар учун (жиходга чиқмай) Аллохнинг Пайгамбаридан қолишлари ва Ундан юз ўгириб, ўзлари билан овора бўлишлари жоиз эмас



Ислом Нури

эди. Зеро, Аллох Йўлида уларга бирон ташналик, машаккат, очлик етса ва кофирларни газаблантирадиган бирон кадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта улар учун бу ишлари сабабли яхши амал ёзилур. Зотан, Аллох яхшилик килгувчиларнинг амалларини зое килмас». (Тавбу: 120)

5. Гунохларга каффорат бўлиш

«Хакикатан, Аллох Пайгамбарнинг, мухожирлар ва ансорларнинг тавбаларини кабул килди. Улардан бир гурухнинг диллари (газотдаги машаккат ва ташналик сабабли) тойилаёзгандан кейин огир соатда унга (яъни Пайгамбарга) эргашган эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини (Аллох) кабул килди. Албатта, У Зот мўминларга Мархаматли, Мехрибондир». (Тавба: 117)

«Бас, Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат килиб (деди): «Албатта, Мен сизлардан бирон амал килгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое килмагайман. Зеро, бировингиз бировингиздандирсизлар. (Яъни эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган). Бас, (ватанларидан) хижрат килган, диёрларидан кувилган, Менинг Йўлимда азиятлар чеккан ва (Менинг Йўлимда) жанг килиб, катл этилган зотларнинг килган гунохларини ўчиргайман ва уларни тагларидан дарёлар окиб турадиган богларга киритурман. Бу Аллох хузуридан савоб - мукофот бўлади. Зеро, энг гўзал савоб - мукофот Аллохнинг хузуридадир». (Оли Имрон 195)

6. Хакни топиш



Ислом Нури

«Бизнинг (Йўлимиз)да жиход килган - курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга хидоят килурмиз. Аниқки, Аллох чиройли амаллар килгувчи зотлар билан биргадир». (Анкабут: 69)

Аллох Йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини харгиз зое кетказмас». (Мухаммад: 4)

Бу ишлардан вокиф бўлишимиз жуда муҳим. Акс холда Куръони Карим ва Суннат бу хусусда шунча кўп хужжат келтирмас эди. Фойдалардан бири у инсонни ҳаракатга, фидоийликка ундайди. Зеро, ҳақиқатнинг аниқ галаба килишини билган одам шу муқаддас ишга қандай килиб бўлса ҳам, ўз хиссасини кўшиш шарафига ноил бўлиш илинжида ўзининг бор куч-гайратини ва молу жонини сафр қилади.

Галабага бўлган ишонч даъватчиларни бир лаҳза ҳам тарк этмасин. Бу борада Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам уларга намунадирки, Маккада мусулмонлар азобу укубатда яшаб турган бир пайтда шундай деган эдилар: «Аллохга касамки, шак-шубҳасиз, албатта, Аллох бу ишни охирига етказгай. Хатто отлик Санъодан Ҳазрамавтга қадар факат Аллохдан ва кўйларини ўйлаб бўридангина кўркиб боргай». Бу ҳадисда даъватчи эътибор бериши лозим бўлган икки нукта бор:

Биринчи: Галабани айнан биз кўлга киритишимиз шарт эмас. Аллохнинг Ўзи билган хикмат туфайли у «чоҳ эгалари» (Асхабул ухдуд) воқеасидаги каби бўлиб қолиши ҳам мумкин. Лекин, меҳнатларимиз харгиз зое кетмайди. Бу ишнинг замонга, босқичга алоқадор тарафи. Умуман олганда эса Исломнинг галаба килиши ва Аллохнинг калимаси олий бўлиши муқаррар.



Ислом Нури

Иккинчи: Даъватчи мен Исломга ёрдам бераяпман, мен динни голиб килаяпман, деган хаёлга бормасин. Чунки бу ишни бошкалар ҳам килаверади. У нима килса, ўзи учун килади. Аллох ундан беҳожатдир:

«Ким жиход килса, факат ўз (фойдаси) учун жиход килур (яъни, ким Аллох Йўлида саъй-харакат килса, бундан Аллох эмас, балки ўша кишининг ўзи учун манфаат бўлур). Зеро, Аллох барча одамлардан Беҳожатдир». (Анкабут: 6)

«... Агар Аллох хоҳласа, улардан (жанг-жадалсиз ҳам) Голиб бўлур (яъни, уларни йўк қилиб юборур) эди, лекин, У Зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтихон қилиш учун (сизларни жангга буюрди). Аллох Йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини харгиз зое кетказмас». (Мухаммад: 4)

Ванихоят, шундай савол ҳам бўлиб қолиши мумкин. Душманлар яктан бўлиб хар тарафдан исломга ташланаётган, исломий уйғонишни бешигидаёк бўғиб ташлаш учун даъватчилар устига турли хил азобу қийноқларни ёғдираётган бир пайтда ислом қандай голиб бўлади? Бундан ташқари улар атом бомбалари каби қучли қуролларга эгалар. Мусулмонларда эса ҳеч қандай қурол йўқ?

Бу саволни берувчи мусулмонларни галабага эриштирувчи уларнинг ҳаракатларини қувватлари эмас, балки Аллохнинг Ўзи эканини унутиб қўяётир.

«Улар билан жанг қилинлар, (шунда) Аллох уларни сизнинг қўлингиз билан азоблайди...». (Тавба: 14)

Мусулмонлар эса Аллохнинг қадари ва иродасини юзага чиқаришдаги



Ислом Нури

бир сабаблардир, холос.

«Бас (эй мўминлар), уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки Аллох ўлдирди. (Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам, уларнинг юзига кўлингиздаги бир сиким тупрокни) отган пайтингизда сиз отмадингиз, балки Аллох отди...». (Анфол: 17)

Биродаримиз яна шуни ҳам унутаётирки, Аллохга осмонлар-у ердаги ҳамма нарса тасбех айтади. Душманлар кўлидаги ўша бомбалару куруллар ҳам, камоклару кишанлар ҳам тасбех айтгувчилардандир.

Учинчидан: Агар Аллох бир ишни хохлаसा, унга «бўл» дейди, бас, у бўлади.

«(Яратмокчи бўлган хар бир нарсамиз учун) Бизнинг фармонимиз факат биргина (яъни «бўл» деган сўз) дир. (Бас, ўша нарса) кўз очиб юмгунча (ўўкдан бор бўлур)». (Камар: 50)

Тўртинчидан: Душманлар бу имкониятларга ўзларининг харакатлари билан эришдилар. Демак, бу нарсалар кимнингдир шахсий мулки эмас, тарихнинг харакати эса тўхтаб колмайди. Шундай экан, мусулмонлар ҳам ўзларининг исломий асосларини мухофаза этиш билан бирга илмий ва моддий ривожланиш йўлидан боришлари, яна ҳам тўғрироги, бу борада бошқалар етиб келган жойдан бошлаб давом эттиришлари мумкин.

Хуллас калом, душманлар Исломга карши хар канча хийлаю найранглар кўлламасинлар, хар канча бирлашмасинлар, даъватчиларни хар канча кийногу азобга солмасинлар, барибир Аллох Ўзининг динини голиб килгувчи, сўзини устивор этгувчидир. Хозирги



Ислом Нури

кунда бутун дунёнинг каршиликларига дуч келаётган Ислом яхудийлару араб мушрикларининг, Форсу Румнинг, салбчилару мўгилларнинг каршиликларига карамасдан голиб бўлган ўша ИСЛОМ дир. Унга худди ўзимизга ўхшаган ожиз одамлар карши бўлаётирлар, холос.

«Аллох (Лавхул-Махфузга) «Шак-шубхасиз Мен Ўз пайгамбарим билан бирга голиб бўлурман», деб ёзиб кўйгандир. Албатта, Аллох кучли, кудратлидир». (Мужода: 21)

Аллох берган ваъдасига вафо килгувчидир. Келажак якиндир.

«Иймон келтирмайдиган кимсаларга айтинг: «Ўзларингиз билган амалларингизни килаверинглар, биз хам ўз амалимизни килгувчимиз. Хамда (килаётган ишларингизнинг окибатини) кутаверингиз, биз хам кутгувчилармиз». Осмонлар ва Ернинг сирлари Ёлгиз Аллохникидир ва барча ишлар Унинг Ўзига кайтарилур. Бас, Унга ибодат килинг ва Ўзига суянинг! Парвардигорингиз килаётган амалларингиздан гофил эмасдир». (Худ: 121-123)

Васоллаллоху ала набиййна ва ала ахлихи ва сохбихи ва саллама таслиман касиро.